

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

«Умид ниҳоллари – 2018»: СПОРТ ВА БАРКАМОЛЛИК БАЙРАМИ



Олмалиқ шаҳрида умумий таълим мактаблари ўқувчилари-нинг «Умид ниҳоллари – 2018» спорт мусобақасининг финал босқичи голибларини шарафлаш маросими бўлди.

Таъкидлаш жоизки, бу йилги «Умид ниҳоллари» мусобақалари аввалги йиллардан фарқли равишда минтақавий тарзда ўтказилди. Янги тизим самарасида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва пойтахт ёшларининг

махорати, жойлардаги олимпия захирасини салоҳият ва имконияти синовдан ўтказилди. Мусобақага аввалги йилларга қараганда кўпроқ ўғил-қизлар жалб этилди.

Давоми 4-бетда ➡



Тадбирни кириш сўзи билан вилоят ҳокими Ғуломжон Ибрагимов очиб берди.

Вилоятимиз раҳбари ўз сўзида мусобақа голибларини самимий қутлар экан, жумладан, шундай деди:

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг жорий йилги баҳсларида ҳам азиз фарзандларимиз катта иштиёқ билан беллашдилар. Спортнинг 21 тури бўйича ўтказилган бу мусобақанинг мактаб босқичида жами 316 минг 528 нафар ўқувчи қатнашди. Туман ва шаҳарлар босқичида эса 52 минг 917 нафар спортчи-ёшлар голиблик учун курашди. Шу нуктада эътиборингизни бир масалага қаратмоқчи эдим. Яъни, ана шу 52 минг нафардан зиёд спортчи ўқувчиларнинг қарийб 22 минг нафари қизлардир. Яхши биласизки, аёл зоти миллатнинг соғломлиги ва баркамоллигининг устундир. Шу маънода, бугун вилоятимиз бўйлаб спорт билан шугулланётган қорақўлларнинг деярли ярми қизларимиз экани янада қувонарлидир.

Вилоят ҳокимлигида

Нурафшон шаҳрида вилоят ҳокими Ғуломжон Ибрагимов раислигида жиноятчиликка қарши курашнинг жорий аҳволига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида айтилган жабҳада амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган хато-камчиликлар атрофлича муҳокама қилинди. Кун тартибидида масала бўйича вилоят ички ишлар бошқармаси мутасаддиларининг ҳисобот маърузалари эшитилди, танқидий-таҳлилий муҳокама қилинди.

КУН ТАРТИБИДА БУГУННИНГ ДОЛЗАРБ МАВЗУСИ

Ҳар қандай саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаси қиёсий таҳлилда кўринади, албатта. Масалан, 2017 йилнинг дастлабки тўрт ойи давомида вилоят бўйича жами 3652 та жиноят содир этилган бўлса, жорий йили айтилган шундай кўрсаткич 1652 тани ташкил этди.

Бироқ, бу кўрсаткичлар бизни хотиржам қилмаслиги керак, — деди вилоят ҳокими муҳокама жараёнида. — Кейинги кунларда профилактик тадбирлар суст, номига ўтказилиши ҳоллари кузатилапти. Дейлик, ўтган йили май ойининг дастлабки кунларида жиноятчиликнинг аҳволи ҳақидаги статистика, бу йилга нисбатан камроқ бўлган. Бу шундан дарак берадики, кейинги ойда биз айтилган шундай қўйилган ишларни сусайтириб юбордик. Ҳужақўрсинга ишлаш одат тусига қираяпти. Жамоатчилик назорати масканларининг қурилиши режадагидек эмас.

Дарҳақиқат, вилоят бўйича жами қурилиши мўлжалланган 709 та жамоатчилик назорати масканларидан бугунги кунда бор-йўғи 404 таси фойдаланишга топширилган ҳолос.

Йиғилишда хотин-қизлар орасида жиноятчиликнинг содир этилиши, унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси О. Парпиеваннинг ахбороти тингланди. Тизимда қилиниши керак бўлган ишлар юзасидан вилоят ҳокими томонидан тегишли топшириқлар берилди.

Тадбир якунида келгусида ҳудудларда жиноятчиликка қарши курашнинг самараси, аҳволи ҳақида вилоят ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий нашри — «Тошкент ҳақиқати» газетасида мунтазам равишда танқидий-таҳлилий мақолалар чоп этиб бориш юзасидан тавсиялар берилди.

Ўз муҳбиримиз

БИР МАВСУМДА БИР МАРТА ҲОСИЛ ОЛИШ асл деҳқонларга ярашмайди

Деҳқончилик — таваккалчилик, деган гаплар бугунги замонавий агроиқтисодиёт тамойилларига у қадар мос келмайди. Шу боисдан ҳам, қишлоқ ва сув ҳўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришда фан ва техника тараққиёти, илмий тажриба ва изланишларни амалиётга фаол татбиқ этиш муҳим ўрин тутди. Бинобарин, қишлоқ ҳўжалиги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ ҳўжалигининг бир қанча тармоқларини хом ашё билан барқарор таъминлайдиган етакчи ва ҳал қилувчи соҳадир.

Куни кеча Нурафшон шаҳрида вилоят ҳокимлиги, Республика Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Фанлар Академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган илмий-амалий анжуман ҳудди шу жиҳатдан аҳамиятлидир.

Тошкент вилоятида тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш муаммолари мавзусидаги анжуманни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Одилхон Рус-тамов олиб борди.

Унда сўзга чиққанлар кейинги йилларда Президентимиз раҳнамолигида мамлакат иқтисодиёти янада кўтаришда биринчи галда илмга, инновацияга таянлаётгани, жорий йилга «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб ном берилиши замирида ҳам мана шу ҳаётий мақсад ва вазифалар мужассам эканини алоҳида таъкидладилар.

Давоми 2-бетда ➡

Офарин!

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида футбол бўйича жаҳон чемпионлигига эришган ёш футболчиларимизни тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

ВИЛОЯТИМИЗ ЎҒЛОНЛАРИ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ



Куни кеча Россия пойтахти Москва шаҳрида ўтказилган Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасидаги жаҳон чемпионати ўзбекистонлик болалар ғалабаси билан якунланди.

14-17 ёшли футболчилар ўзаро куч синашган мусобақанинг гуруҳ беллашувларида ҳамюртларимиз покстонлик тенгқурлари билан дуранг ўйнаб, россияликларни 2:0 ҳисобида доғда қолдирди.

Чорак финалда Непал вакилларини 2:1, ярим финалда бурундилликларни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳамюртларимиз, ҳал қилувчи беллашувда яна покстонликларга рўбарў келди.

Давоми 4-бетда ➡

Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

ЧИНОЗДА ИККИТА ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Айни пайтда бутун мамлакатимизда бўлгани каби вилоятимиз ҳам улкан бунёдкорлик майдони, замонавий саноат ҳудудига айланиб бормоқда.

Ислоҳот

Этиборлиси, юртимизнинг эртанги тараққиёти ва истиқболига, халқимиз фаровонлигига хизмат қилувчи бундай хайрли ишлар, янги ва истиқболли лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида Чиноз туманилик тадбиркор ва ишбилармонлар ҳамда улар билан ҳамкорликда ўз бизнесини юритишга ишонч билдирган хорижлик шерикларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлаяпти.

Яқинда туманда текстиль

маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган бир йўла иккита замонавий корхона иш бошлади. Улардан бири туман маркази яқинида очилган «Фуран текстиль» масъулияти чекланган жамиятидир.

Корхонанинг очилишига бағишланган маросимда сўзга чиққан вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Қар-



шиев, Чиноз тумани ҳокими А. Мадиев ва бошқалар бугун мамлакатимизда иқтисодиётимизнинг ўзак томири бўлган саноат тармоқларини жадал ривожлантириш, соҳага энг замонавий, юқори қувватли инновация ва технологияларни жадал татбиқ этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хорижий сармоядорлар учун қулай ва мўътадил бизнес муҳити яратиш борасида диққатга сазовор ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги «Худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланиши-ни таъминлашга доир усту-

вор чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим дастурийлашма бўлмоқда. Мазкур ҳужжатга асосан, худудларни жадал тараққий эттириш, шу жумладан, уларнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятидан, аynиқса, шу чоққа фойдаланилмай келинган ишлаб чиқариш қувватлари ва ер майдонларидан самарали фойдаланиш, тадбиркорларнинг ғоя ва ташаббусларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш орқали жойларда янги-янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Давоми 2-бетда ➡

Ўз мухбирими:

Бугуннинг олмалари

Оилага аталган совға-саломларни топшириш. Аҳад отанинг дуо-сига сомеъ бўлиб, элга, юртга барака ёғилсин, дея тилак билдир-гучи азизлар кўпайишни Аллоҳдан сўраб, хайрлашамиз. Ота биз-ни файзу барака кўр тўкиб турган дастурхонга таклиф қилади. Кўнмаймиз. Кейинги манзилга шо-шамиз. Кўчага отланар эканмиз, Аҳад Давронович ортимиздан ку-зата туриб, ҳар биримизга ўз бо-ғида етилган сархил олмалардан улашади.

Машхур фильм халғга келади: "Қирқ биринчи йил ол-малари..." Олма – рамз. Олма – эзгуликнинг бир парчаси. Яхши инсон-лар буюк ишларда ҳис-садор бўлгиси келади. Ўша кинода Аҳад Давронович каби бир мард киши фронтга олма олиб боради, буюк ғалабага жилла ҳиссам тегсин, дея тинч ўти-ролмади. Шукрки, бу-гун ҳам унингдек жонса-рак оталар бор, жуда кўп... Аҳад Давронович-нинг туман ва шаҳар ми-қёсидаги ҳар бир маж-лисида савлат-салобат билан даврга зехн со-либ ўтириши, жўяли таклиф-муло-ҳазалар айтиб, одамларни жўяли ташаббуслар атрофида жипсла-шишга чорлаши асл жувонмардлик эмасми?...

... Биламиз. Ҳаял ўтмай, бу хо-надонга фарзандлар қатори 50 га яқин набира, абиралар шовқин солиб қириб келадилар. Ҳовли яна файзга тўлади. Улар бугун Аҳад бобонинг таваллуд кунини бирга нишонлайдилар.

Аҳад ота уларга олма улашади. Меҳрдон бино бўлган олмалар. Бугуннинг олмалари...

Фермер ва замон

Шундай қилиб, уювлов навбат-даги манзил – донгдор фермер Нуриддин Оллобердиевнинг уйи-

◀ Бошлонғичи 1-бетда

дамиз. Асрларни қаритган Тут қишлоғидаги нурафшон бир хо-надон. Ҳовлида темир-терсақлар уюлиб ётибди. Қаердадир товуқ-лар "қа-қағ"лайди, сигир маърай-ди, ёшгина жувон ипак курти учун барг ташлагани ошққади. Бу – фермернинг уйи. Бугунги вазият шундайки, заминдор бир парча темирнинг ҳам қадрини билмас, қўт-барака нишонаси – хонаки пар-рандаю дарранданнинг ошиги бўл-маса, демак, ҳаммаси сафсата, у – фермер эмас. Гувоҳи бўлгани-

вақтда) Унгутда тўй бўлади!

Орадан 71 йил ўтди

Бугун Самад отанинг қулоғи оғирлашиб қолган. Бақириброқ гапирмасангиз эшитмайди. У киши 10 фарзандиз камолга етказиб, элга қўшган, шулардан 7 на-фарини олий маълумотли қилиб, Оҳангарон саркорлари бўлишига йўл очган. Бобо гапирганда кўзла-ри ёшланиб-ёшланиб кетади. Кези келганда, ҳазил ҳам қилиб қўяди. Нуриддин фермер: "Бобо меҳмон-лар онам ҳақида сўраяпти", дея

Ҳозир, айна пайтда ушбун ёзиб ўтирибман-у, Самад отанинг аёли-нинг исмини сўраб олганимга афсусланаёман. Чиройли дуолар бериб, бизни хушқол қаршилаган фариштадек онахон... Балки, ҳам-роҳларимга кўнғироқ қилиб, бир дақиқада сўраб олсам ҳам бўлар. Лекин, ўрлигим тутди – сўрама-дим. Балки бошқа бир иштибоҳ туғилдир...

Эргаш отанинг қизи

Ғап шундаки, хов ўшанда – 1947 йилги ЗАГС варақасида "Ўзбекча"

унинг ҳар сўзидан...

Алқисса, олам-олам таассурот-лар билан хайр-хўшлашиб, нав-батдаги манзилга шошамиз.

Уч ой аввал

Нурободдаги ҳарбий қисмда шов-шув тарқалади: "Эшитдингми, жўраимиз Халимжон бир йўла учта фарзанд кўрибди!" Шундай. Худойим бераман деса – ҳеч гап эмас. Чақалоқлар туғилдию, ҳар-бий хизматчи оиласига барака кирди. Ҳарбий қисм маъмурияти уларга хизмат уйи ажратди...

Фотима, Зухро, Захро

"Нуробод" қўрғондаги ҳарбий-лар уйи. Чақалоқлар қулиб-қулиб қўяди. Суратчи амакига қараб бир жилмайд-бир жилмайд. Нарироқ-да эса бу уч қизнинг акиси бизга жиддий нигоҳ билан қарайди. Ўғил бола-да, сингилларини қўриятти, дейман шерикларимга секин. Қай-нона – Эйтиборхон ҳожи она биз – меҳмонлар ташрифини кўриб, кўзи ёшланади. "Бологанимнинг боласи, шундоқ давлатли бўлдим, айланай-лар", дейди севиниб...

Кичик сержант Халимжон

Қосимовга айтмоқчи бўлган, аммо айтолмаган гапларим "Ўртоқ, кичик сержант. Биз Хал-қаро оила кунда хонадонингизга йўқлаб бордик. Жаннатнинг уч рай-хони – Фотима, Зухро ва Захрохон билан кўришдик. Сизга ҳавас қил-дим, дўстим. Ўша кун сиз давлат чегарасини қўриқлаш учун тоғлар аро қўзилган сарҳадларимизга кет-ган экансиз. Ўйда эса азиз онажо-нингиз, меҳрибон рафиқангиз дуои жонингизни қилиб ўтиришган экан. Бу – бахт. Умрини елга соғураёт-ган ёшлар сиз ва сиз каби Ватан ҳимоячиларидан ўрнат олсалар эди... Ватан учун қамарбаста фар-зандларга Аллоҳ бахту саодатни қўшқўллаб беришига яна бир бор амин бўлдим. Ҳамиша соғ-омон бўлинг..."

Беҳзод ҚОБУЛОВ,

"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Суннат САПАРАЛИЕВ

олган суратлар

ЎН САККИЗИНЧИ ЙИЛ ОЛМАЛАРИ

ёхуд меҳр, вафо, оқибатнинг тотли мевалари ҳақида ҳикоя



миз – бу манзарада алланечук шоирона тасвир, руҳ бор. Ҳовли-да эгасига савол аломати билан қараб турган олапарнинг ёнидан чўчибгина ўтиб, ичкари одимлай-миз. Бу ерда аҳли аёли билан 71 йил бахтли ҳаёт кечирган Самад бобога юзлашамиз...

1928 йил. Унгут қишлоғи

Ёши улуғлар маслаҳатлашиб, оилада туғилган чақалоққа Самад дея исм беришди. Самадбек 19 ёшга тўлганда Эргашева фамилия-ли бир қизга унашди. Халқ урушдан чиққан, музаффар ўғлон-лар халқ ҳўжалигини қайта қуриш-га бел боғлаган вақтлар эди. Ўшан-да, яъни минг тўққиз юз йирқ ет-тинчи йилнинг биринчи декабри-да (пахта йиғим-терими тугаган

савол ташлайди овоз чиқариб. Бобо бўлса: "Хотиним..." дейди-ю, қарилик-да, яна кўзи ёшланиб, силкиниб-силкиниб қўяди. Фото ва видео камерамиз лаҳзани уш-лаб қолишга шайланади: чирқ-чирқ... Мен эса ҳамроҳларимга мутўйба қиламан: "71 йил битта аёл билан яшагач, хотинни эсла-ганда одамнинг кўзидан ёш чи-қиб кетади..." Кулишамиз. Нурид-дин ака ҳам мириқиб, беозор ҳазилнинг тағиди зилни тушун-ганнамо бош иргайди. Ўшанда ҳам, ҳозир ҳам Самад бобо биз, ёшлар билан ҳазиллашиб шундай қилдиларми ёки бу беихтиёр бўл-димки, деган саволга жавоб бер-гим келмайди...

Аҳли аёли эса тетик, бардам.

ва "Умуг" деган сўзлар ёзилган. Балки Умиддир? Умиддир? Аниқ қилиб ёзилгани шуки: "Эргаш ота-нинг қизи". Бундай тафсилотлар-дан мурод шуки, ўша вақтлар исми унутилган, бошқа миллат вакилла-ри томонидан хато ёзилиб, кейин-чалик ўша исм билан яшаган мо-моларимиз кўп... Таскин, тасалли шуки, бугун Эргаш отанинг қизи эл аро "Момо", "Кайвони" дея аталади, давраларнинг тўрига чо-рланади. Муҳими – шу...

Момо биз билан суҳбатлашиб, чиройли лутф билан дуога қўл очади. Каттиққўлгина қайнонаси-ни эслайди. Бир қўли боласида, бир қўли қозон-ўчоқда бўлган аччиқ-тизиқ кунларидан гап оча-ди. Йилларнинг нафаси келади

АЛЛАЛАР ЯНГРАДИ, ЯЛЛАЛАР ЖАРАНГЛАДИ

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Роватак" маҳалласида "Оила қадриятлар бе-шиги" номли маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир



Реклама ва эълонлар

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очик аукцион савдосига АТ "Халқ банк"и Олмалик филиалининг 11.05.2018 йилдаги № 07-сонли буюртномасига асосан, ўз тасарруфиде бўлган Тошкент вилояти, Олмалик шаҳрининг қуйдаги манзилдаги, яъни: 1. Улугбек кўчаси, 5-А уй манзилида жойлашган умумий майдони 54,30 кв.м. бўлган № 36-сонли шахобча. Бошланғич нархи - 50 000 000 сўм. 2. Ипак Йўли кўчаси, 52-уй манзилида жойлашган умумий майдони 32,90 кв.м. бўлган № 29-сонли шахобча. Бошланғич нархи - 60 000 000 сўм. 3. Примкулов кўчаси, 11-А уй манзилида жойлашган умумий майдони 77,40 кв.м. бўлган № 22-сонли шахобча. Бошланғич нархи - 50 000 000 сўм бўлган кўчмас мулклар қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2018 йил 20 июнь кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2018 йил 20 июнь кунини сотилмаса, такрорий савдолар 2018 йил 5 июль, 20 июль ва 6 август кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар юқоридаги кўчмас мулклар билан тегиш-ли "Халқ банк"и филиали вакиллари иштирокида бевоси-та жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдо-сида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Халқ банк"и Юнусовод филиалининг қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: х/р: 20208000900757166001, МФО 00823, ИНН 304802952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдо-си санасидан бир иш кунини олдин соат 16.00 да тўхтата-ди. Савдо голибига аукцион савдоси натижалари бўй-ча голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини им-золаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулклар учун тўло-лар амалга ошириш мuddати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Тел.: (+998-71) 236-25-53. Веб сайт: www.capitaltrust.uz

Лицензия RR - 0298.

Ирода МАКСУДОВА

ТЎҒРИ ТАШХИС – ЯРИМ МУОЛАЖА

Чирчиқ шаҳрида иш бошлаган янги ҳу-сусий тиббиёт марказида ҳам барча шарт-шароитлар муҳайё. Шифокорлар Англия, Германия, Хитой, Жанубий Ко-рея давлатларидан келтирилган жиҳоз-ларда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқдалар. Йигирма ўринга мўлжаллан-ган, шунингдек, кундузги стационарга эга марказда иккита замонавий УТТ, скрининг ва доплерография ёрдамида 15 дан ортқ турдаги текширувларни ўтказиш мумкин.



Марказнинг физиотерапия бўлимида 21 та махсус анжом бор. Бундан ташқари, муассасада сув муолажалари беморларга климатерик невроз, остеохондроз ва стрессдан фориг бўлишга ёрдам беради. "Марваридли" ва "Куруқ" ванналар эса бў-гим касалликларини даволаб, организм-ни чиқитиради. Катталар ва болалар учун мўлжалланган "Тузли горхона"да юқори нафас йўли касалликлари, ўткир бронхит, ўпка касалликлари, аллергия, эндокрин по-тология, сурункали чарчаш учун муолажа-лар қўлланилади.

– Аллергияси борлар, айниқса, баҳор фаслида жуда қийналишини кўпчилик яхши билади, – дейди чирчиқлик Шари-фа Олимова. – Доим пойтахтга қатнаб, муолажа олишга тўғри келарди. Ўзимиз-да мана шундай тиббиёт маркази очилган-ини эшитиб келгандик. Мана, тажрибали шифокорларнинг кўрсатмаси билан даво-ланаётганим сабабли ижобий ўзгаришлар-ни сездим.

Ангрен шаҳридаги Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармасига қарашли айрим фанлар чуқур ўрганиладиган Давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати маъмурияти 2018-2019 ўқув йили учун математика ва инглиз тили фанлари бўйича олий ва биринчи тоифали; информатика, она тили ва адабиёт, рус тили ва адабиёти, меҳнат, мусиқий таълим, тарих фанлари бўйича олий, биринчи ва иккинчи тоифали ўқитувчилар ҳамда ОТМлари магистратурасини тугатаётган мутахассисларни доимий ишга таклиф қилиш юзасидан

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ангренда тураржойга эга бўлмаган мутахассислар ётоқхона ҳамда йигирма фоизлик устама билан таъминланадилар.

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ 2018 йил март ва апрель ойларида ўтказилган очик аукцион савдолари натижаларини маълум қилади!

1. Тошкент тумани, Ке-лес шаҳри, "Абдурахмо-нов мева узум" агрофир-маси худуди "ELYOR ISLOM AGRO" ф/х.дан захирага олинган жами 3,36 Га., шундан 2,20 Га. ер майдонида жойлашган "Богзор", бошланғич ба-хоси – 7 593 721 сўм. Сотилиш баҳоси – 9 880 000 сўм;
2. Тошкент тумани, Кўксарой қишлоғи, Тош-кент массиви худуди "XASANJON IMKON NUR" ф/х.дан захирага олинган жами 1,30 Га. ер майдо-ни, шундан 1,10 Га. "Бог-зор", бошланғич баҳоси

– 7 382 784 сўм. Сотилиш баҳоси – 9 620 000 сўм;
3. Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Чоштепа қишлоғи, "Турғунбой Со-хибкор" агрофирмаси худудиде фаолият юрита-ётган "AZIM JANNAT MIRISHKOR" ф/х.дан ту-ман захира ерлари хисо-бига олинган жами 4,95 Га. ер майдони, шундан 2,29 Га. "Узумзор", бо-шланғич баҳоси – 11 470 000 сўм. Сотилиш баҳоси – 14 950 000 сўм;
4. Тошкент тумани, Гу-листон қишлоғи, "Фиш-кўприк агро" агрофирма-си худуди "BOXODIR

MIRISHKOR NUR" ф/х.дан захирага олинган жами 2,80 Га. ер майдони, шун-дан 2,43 Га. "Богзор", бошланғич баҳоси – 9 112 000 сўм. Сотилиш баҳоси – 11 830 000 сўм;
5. Қибрай тумани, Дўрмон ҚФЙ худуди "DO'RMON-ANMEDOV RAVSHAN BO'GI" ф/х ба-лансидеги жами 6,82 Га., шундан 3,0 Га. ер майдо-нида жойлашган "Бог-зор", бошланғич баҳоси – 30 000 000 сўм. Соти-лиш баҳоси – 39 000 000 сўм.
Хизматлар лицензия-ланган RR – № 0008.

«СОҲИБКОР» – ЭЛГА МАДАДКОР

Тошкент туманидаги "Сохибкор" маҳалла фуқаролар йиғинида уч ярим мингга яқин аҳоли яшайди. Етти юз ўн иккита оилали бу ошённинг ўзига яраша ташвишу қувончлари ҳам бор. "Маҳалланг – ота-онанг" деганлари-дек, аҳолининг яхши-ёмон кунлари маҳалладошлар иштироки, ҳамкор-лигида ўтади. Бу ишларга маҳалла раиси Ҳикмат Қоплонбеков ҳамisha бош-қош.

Маҳаллада нима гап?

– Президентимизнинг "Маҳалла ин-ститутини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармо-ни асосида, вилоят, туман "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида тизимли ишлар олиб бораёпмиз, – дейди раис. – Жумладан, ёш авлодни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, кекса авлод вакиллари-ни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳам-корликдаги саъй-ҳаракатларимиз беса-мат кетмаяпти.

Раиснинг сўзлари бежиз эмас. Ўтган ҳафта маҳалланинг янги таъмирланган ораста гузариде бўлиб ўтган тадбирда маҳалладошлар учун жуда кўп қулайлик-лар яратилгани маълум бўлди. Ўнда ту-ман ҳокими, вилоят прокурори ишти-рок этиб, "Сохибкор"нинг "Энг наму-нали истеъмолчи маҳалла" дея тан олинганини эътироф этишди.

Шу кун маҳалладаги қайта таъмир-ланган болалар майдончаси фойдала-нишга топширилди. Прокуратура ҳузу-ридаги мажбурий ижро бюроси ишти-рокида туман ҳокимлиги ташаббуси билан маҳалладаги 45 хонадоннинг ка-дастр ҳужжатлари шу ернинг ўзида эгаларига топширилди, яъни "Фуқаро-лар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланди". Дарвоқе, маҳалла гузариде ташкил этилган коммунал тўловларни қабул қилиш шаҳобчаси аҳолининг узоғини яқин қилди. Янги ишга туширилган дорихона, гўзаллик салони уларга яна бир қулайликдир. Шунингдек, коммунал тўловларни ўз вақтида мунтазам тўлаб бораётган ўн нафар истеъмолчи эъти-роф этилиб, уларга совғалар топши-рилди. Айниқса, қўтлуг Рамазон кунла-ри арафасида амалга оширилган са-воб ишдан эҳтиёжманд кишиларнинг кўнглилари обод бўлди.

Маҳалла кенгаши ташаббуси билан икки нафар бokuвучисини йўқотган, кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Уч нафар ёш фарзанди би-лан ёлғиз қолган Дилфуза Шарипова-га, шунингдек, Шоира Бобожоновага тикув машиналари берилди. Энди улар уйларида ҳам фарзанд тарбияси, ҳам иш билан машғул бўлиб, оиласини моддий таъминлаш имконига эга бўлишди.

Маҳаллада сўнги пайтларда ёшлар тарбиясига доир салбий ҳолатларнинг рўй бермаётгани ҳам шундай саъй-ҳаракатларнинг самарасидир, дейиш мумкин.

Сайёра ЭШМАТОВА



Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Му-қимий боши берк кўчаси, 11-уйга те-гишли Саняя Сали-мова (марҳум) номи-га берилган уй даф-тарчаси ва уй плани йўқолганлиги сабаб-ли бекор қилинади.

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гул-бахор кўрғони, Гул-бахор кўчаси, 46-уй, 18-хонадонга тегиш-ли Манзурма Юлдаше-ва (марҳум) номига берилган кадастр ҳужжатлари ва уй плани йўқолганлиги сабабли бекор қили-нади.

"Улан ва лапар ижрочилигининг республика кўриктанови", "Ўзбекистон – Ватаним мени!", "Ўзбекистон,

ўринни эгаллашида Кимёхоннинг ҳам ҳиссаси борлигини таъкидлаш жоиз. – "Бойсун баҳори" фестивалда ижро этил-

ерга келганимда дилимни қандайдир ҳаяжон чулғаб олади. Фестивалда ижро этил-

Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келган фольклор ансамбллари орасида бизнинг "Курама" даста-

миздан бизгача етиб келган моддий ва номоддий маданий меросимиз жозибаси дунё халқларини ҳам мафтун

фидойилар, санъатимиз устаслари ижросида мангу яшайверади.

Дарвоқе, Кимёхон Қосимхонова ўзи раҳбарлик қилаётган "Чотқол наволари" фольклор-этнографик дастаси қатнашчиларига ҳам халқ оғзаки ижоди, фольклор кўшиқлари, ўлан ва лапар ижрочилиги бўйича сабоқ бериб келмоқда. Унинг фаолиятидан ота-оналар ҳам миннатдор.

– Кимёхон фарзандларимиз учун нафақат миллий куй-қўшиқларимиз, урф-одат, анъаналаримизга бўлган ҳурмат, муҳаббат туйғуларини шаклланишида, балки камтарлик, самимийлик каби инсоний фазилатлари билан ҳам ибратдир. – дейди Гулафшан Ўринбоева. – Шубҳасиз, Кимёхон Қосимхонова миллий санъатимиз фидойиси, халқ оғзаки ижодининг толмас жонқуяридир.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

АЛЁРЛАРИМ СИЗГА АРМУҒОН

сени куйлайман!" кўшиқ байрамларида, "Улан айтган келдик", "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловларида иштирокчи ва голиб бўлиб келаётганию, қатор теледастурларда иштирок этгани Кимёхоннинг кўшиқчилиги санъатига бўлган бекиёс меҳрини кўрсатади.

Яқинда давлатимиз раҳбарининг "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва тақомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида ўтказилган "Бойсун баҳори" халқаро фестивалида вилоятимиз вакиллариининг фахрли 3-

Кўшиқ сەҳри кимларни лол қолдирмаган дейсиз. Унинг ҳаётбахш оҳанглари умрини беазаган санъат шайдолари орасида ангреник Кимёхон Қосимхонова ҳам бор. У, айниқса, ўлан ва лапарларни севиб куйлайди. Куйлаганда ҳам Ангреникнинг сервикор тоғларию, шарқироқ сойларининг хушнаволаридан хонишларига "сирга тақиб", жўшиб-жўшиб ижро қилади. Чорак аср, Кимёхон ҳамон кўшиқ шайдоси. У устозлари Фанижон Ваҳобов, Коммуна Исмоиловлардан анъанавий ижрочилик сирларини ўрганганини фахрланиб сўзлайди.

Фестиваль

тивалида иккинчи бор иштирок этишим, – дейди у. – Бойсуннинг гўзал табиати, бой маданий муҳити ЮНЕСКО томонидан "Инсониятнинг номоддий маданий мероси" сифатида эътироф этилгани бежиз эмас. Бу

ган фольклор кўшиқлари, чанқовуз оҳанглари, момолар айтган лапарлар, ҳалқ бой маданий муҳити ЮНЕСКО томонидан "Инсониятнинг номоддий маданий мероси" сифатида эътироф этилгани бежиз эмас. Бу



мизнинг чиқишлари кўпчилики батамом лол қолдирди. Дарҳақиқат, аждодлари-

етиши шубҳасиз. Бу мерос Кимёхон каби ҳаётини кўшиқсиз, ўлан ва лапарсиз тасаввур қилолмайдиган

ВИЛОЯТИМИЗ ЎҒЛОНЛАРИ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Амалдаги жаҳон чемпиони – Покистонга қарши ўтказилган финал учрашувида 1:1 ҳисобида дуранг қайд этилди. Қондаги кўра, голиб пенальтилар сериясидан аниқланди. Унда рақиб зарбасидан қайтариб, ўзи 11 метрлик белгидан дарвозани аниқ нишонга олган жамоамиз посбони Сергей Исмолов учрашув қаҳрамони бўлди.

Жаҳон чемпионлари таркибида тўп сурган Бўха туманидаги 15-Меҳрибонлик уйда тарбияланаётган Тоир Эргашбоев, Руслан Котов ва Салим Соҳ ҳам муваффақиятга қатта ҳисса қўшди.

– Муассасасамизда ўғил-қизларнинг ҳам маънави, ҳам жисмонан камол топиши учун барча шароит бор, – дейди 15-Меҳрибонлик уйи директорининг ижтимоий муҳофаза бўйича ўринбосари Одил Жўраев. – Бу ерда болалар учун ўн бешта тўғарақ бор. Жаҳон чемпиони бўлган йигитларимиз сунъий қопламали футбол майдонида тажрибали мураббийлар Даврон Комилов ва Салоҳиддин Саидхоровадан спорт сирларини ўрганмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳар бир соҳада ёшларнинг ўз иқтидори ва салоҳиятини намойиш қилиш учун кенг имкониятлар борлиги самарасини бермоқда. Жаҳон чемпионатида голиб чиқиб, ўз максатига эришган бу йигитларимиз қатта ҳаётда ҳам юксак қўқиларни забт этишларига асло шубҳа йўқ.

Ўз мухбиримиз

МАРДЛАР МАРРАГА ЕТДИ

Вилоятимиз энгил атлетикачилари Ўзбекистон чемпионатида ўн учта медални қўлга киритди.



Бухорода ташкил этилган мамлакат биринчилигида 2001-2002 йилларда туғилган 400 нафардан зиёд энг иқтидорли атлетлар

голиблик учун куч синашди. Ўғил болалар ўртасида турли масофаларга югуриш бўйича ўтказилган мусобақаларда вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Жавохир Зокирхўжаев олтин, Нурсултон Бектанов ва Александр Нувальцев бронза медалга сазовор бўлди.

Узунликка сакраш бўйича Дониёр Кўчқоров, диск улоқтиришда Тоҳир Шохўжаев иккинчи ўринни эгаллади. Дониёр уч хатлаб сакраш баҳсларида ҳам муваффақиятли қатнашиб, кучли учликдан жой олди.

Энгил атлетиканинг мураккаб йўналиши – 10 километрга спортча юриш мусобақаларида вилоятимиз вакиллариغا етадигани топилмади. Мусобақада барча рақибларини ортда қолдирган Азиз Рустамбеков ва Улуғмурод Ортиқалиев марра чизигини биринчи ва иккинчи бўлиб кесиб ўтди.

Кизлар ўртасидаги беллашувларда Ольга Шлентова ўзини кўрсатди. Истеъдодли атлетимиз баландликка сакрашда энг юқори натижани қайд этиб, мамлакат чемпиони бўлди. Ольга узунликка сакрашда иккинчи бўлди.

Вioletта Перегудова ҳамда Анаора Анорбоева етти курашда кумуш ва бронза медалларга эга чиқди. Надежда Шустова уч хатлаб сакрашда шохсупанинг учинчи погонасини эгаллади.

З. АХМADOV



Вилоят Халқ таълими, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган "Умид ниҳоллари – 2018" спорт мусобақасида барча шахар ва туман-

Бошланғич 1-бета



Тавба. Гапирасиз, гапирасиз. "Нима дейсиз? Кимга гапирасиз?" демайди баъзилар. Шунча ҳаракат, тинимсиз тарғибот қаерга кетаяпти? Телевидение, радио, умуман барча оммавий ахборот воситалари, интернет нашрлари тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар ва бошқа турли маросимлар ўтказилишини тартибга солиш, керак бўлса, қисқартириш ҳақида бонг ураётган бир пайтда...

Холиқовлар хонадонига келин келди. Тўй қандай ўтди билмаймиз, аммо унинг овозаси етти маҳаллага эшитилди. Оғиздан-оғизга ўтиб, дув-дув гап бўлди. Ижтимоий тармоқларга оила аъзоларидан бирининг тўй борасидаги мулоҳазалари жойлаштирилибди. Унинг айтишича, тўй ҳашаматли эмас. У ўз фикрларини: "Агар жуда бир шов-шув қилишга лойиқ топилмаган бўлса, дейлик, чет элдан хонанда ҳам келгани йўқ", дея изоҳлаган. Шунингдек: "Четдан оиламиз европалашган кўринса-да, тўйда бирорта ўзбекона урф-одат четда қолиб кетгани йўқ", дея журналист саволига жавоб берган. Бундан ташқари, у халқимизнинг "Кўрпангга қараб оёқ узат", деган иборасини ҳам эслатган.

Бироқ, бутун мамлакатимизда турли "ўйлаб топилган", масалан "LOVE STORE"га ўхшаш тадбирларга чек қўйиш зарурлиги бот-бот ўқтирилаётган бир пайтда "Маҳаллада дув-дув гап"нинг айнан тўй маросими учун тайёрланиши тўғрими? Эртага пули борлар бундан-да оригиналроқ нарсга ўйлаб топмасликларига ким қафолат беради. Биз неча йиллардан буён "қуда чақирик", "келинсалом", "чалар" каби ортқча исрофгарчиликларга қарши курашяпмиз-у, Холиқовларнинг келинсаломида эл суйган хонандалар хизматда, қизикчилар эса рақсда.

СПОРТ ВА БАРКАМОЛЛИК БАЙРАМИ

ларимизнинг энг сара ёш спортчилари дзюдо, бокс, сузич, спорт гимнастикаси, бадий гимнастикаси, футбол, баскетбол, волейбол, гандбол, эркин ва юнрон-рум кураши, таэквондо ВТФ, оғир атлетика, енгил атлетика, бадминтон, стол тенниси, шахмат, кураш, белбоғли кураш, ўзбек жанг санъати, турон яккакураши бўйича баҳсларда қатнашди.

"Умид ниҳоллари – 2018" спорт мусобақаларининг март ойида ўтказилган финал босқичи якунига кўра, энг кўп очко жамғарган Олмалик шаҳри терма жамоаси голиб, деб эълон қилинди ва олмаликлик ёш спортчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси – "Дамас" автомашинаси топширилди.

– Мен мазкур мусобақада сузич бўйича голиб бўлдим, – дейди олмаликлик спортчи Феруза Обиджонова. – Албатта, бундай натижаларга эришишимда устозларимнинг ниятида қатта меҳнатлари мужассам. Имкониятдан фойдаланиб, шу дамда азиз устозимга чин қалбимдан раҳмат, дейман...

Халқимиз орасида "Кичик Олимпиада", деб номланган ўқувчилар мусоба-

қасида умумжамоа ҳисобида кучли учликдан жой олган Чирчиқ ва Ангреник шаҳарлари терма жамоалари, шунингдек, беллашувларда алоҳида маҳорат кўрсатган истеъдод эгаларига кубок, диплом ва қimmatбаҳо совғалар топширилди.

– Мазкур мусобақаларда жами 746 нафар спортчи ёшлар голиб ва савриндор бўлди, – дейди биз билан суҳбатда вилоят "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти раисининг ўринбосари Шўхрат Раимов. – Албатта, ҳали қатта мусобақалар, курашлар, беллашувлар олдинда. Лекин, беллашувлар давомида кўрдикки, вилоятимизда машхур спортчиларнинг етук издошлари етишиб чиқмоқда.

Мусобақа якунларига

кирита олмадик. Фақатгина: "Булар чет давлатдан келтирилди, нархларни директориимиз белгилайдилар", деган жавобдан нарига ўтимишди. Майли бу бошқа мавзу. Хуллас, 5 миллионлик кўйлакка шартнома тузди.

Салонга бўй-баста келишган, сочлари узунгина қиз ва икки

аёл кириб келишди. Юриш-туриши, ўзини тутишидан кўриниб турибди – бой, бадавлат.

– Кийилмаганларидан кўрсатинг, – деди аёллардан бири. – Мўлжалингиз қанча, – сўради қиз.

– Фарқи йўқ, – аёл истаристамас жавоб берди.

– Қандай услубни хоҳлайсиз? – Барибир, аммо орқа ва олди очик бўлсин.

Журналистлигимизга бориб, суҳбатга аралашдик: "Қуда томон, қайнона эътироз билдирмайди, очик-сочик кўйлакка?"

КЎРПАНГИЗ ШУНЧАЛИК КАТТАМИ?

Яна тўйлар ҳақида

борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самара бермайди. Бунда эл назаридаги, ардоғидаги санъаткорлар ўрнатилган лозим эмасми, аслида.

Юртимизда тўй ва бошқа маросимлар ўтказишни тартибга солиш борасидаги ишларга эътибор ҳам бермай, ўз билганидан қолмаётганлар талайгина...

Яна бошқа бир тўй арафасида келин бўлимининг дугонаси сифатида шахримиздаги келин кўйлақлар салонларини айланишга тўғри келди. Аввало, кўйлақларнинг нархи қандай ўлчов, мезон асосида белгиланишига сира ойдинлик



– Қайнона ҳам шу ерда-ку, – деди қизнинг онаси қулимсираб. Ана сизга маънавият. Ўзбеккона шарм-ҳаё қаерда қолди? Нима дейишни ҳам билмадик.

– Хуллас калом, икки қуда ўн, ўн беш кўйлақ орасидан ёққанини аранг топишди. Нархини эшитиб тилимизни тишладик. 40 миллион! Айтишларича, салонларимизда 20 минг АҚШ



Жаннатда саккизта эшик бор. Улардан бири "Райён" деб номланган. Ундан фақатгина рўзадорлар киради.

Саҳарлик қилинлар, чунки саҳарликда барак бордир!

Одамлар модомики ифторга шошилар экан, яхшиликда давомий бўлавершиди.

Қай бирингиз ифтор қилмоқчи бўлсангиз, хурмо билан ифтор қилинг. Чунки, у баракдир. Агар, кимки, хурмо топа олмаса, сув билан ифтор қилсин.

Чунки, у покловчидир.

Кимки рўзадорлигини унутиб, бирон нимани еса ё ичса, рўзани охирига етказсин. Чунки, унга Аллоҳнинг ўзи едирибди ва ичирибди.

Кимки (Рамазонда) бўлмагур, фахш сўз ва амалларни ташламас экан, Аллоҳ унинг таом емай ва ичимлик ичмай юришига эътибор қилмайди.

Ҳадисдан.

долларилик кўйлақлар ҳам бор экан.

Қайтаётиб дугонанинг хо-мушлигини пайқадик.

У ҳам шунақа келин кўйлақ кийгиси келгани аниқ. Мана шу ерда ҳаммаси бошланади. "Фалончи ундай кўйлақ кийибди, қизимнинг ундан нимаси кам?", "Данғиллатиб тўй қилибди, мени қўлимдан келмайдими?" дея кимўзарлик.

Шу ўринда ҳақиқат савол туғилади: бир кўнлик тўй – орзу-ҳавас дея миллионларни қўққа соураётганлар ўтган бир йилда, қўйинки, умрларида неча бор Болалар ёки Мурувват уйларида ёрдам кўрсатдилар?! Ё бўлмаса, ҳоимийлик асосида кўпчиликнинг кўнига яраётган ташкилотларга жуда бўлмаганда 1 миллион сўм хайрия қилдиларми?

– Йўқ, афсуски, ташкилотимизга жисмоний шахслар сира хайрия қилмайдилар, – дейди "Соғлом авлод учун" хайрия фонди вилоят филиали ходими Разно Абдураззоқова. – Бинобарин, юртимизда ўзига тўқ, хайр-эхсон қилишга қурби етадиганлар кўп. Шундай бўлса-да, ташкилотимиз давлат идоралари, корхоналарнинг молиявий кўмаклари асосида муҳтожларга ёрдам кўрсатади.

Бу каби хайрия фондларини қўя турайлик. Ён-атрофга эътибор билан қарасак, боқувчисини йўқотганлар, оғир дарддан азият чекиб, дори-дармонга пул етказма олмаётганлар талайгина. Хаста фарзандининг мунгли чехрасига боқиб, эзизлаётган ота-оналарга ёрдам бериш ҳар қандай орзу-ҳавасдан устун эмасми? Зеро, инсонга унинг давлатига, қилган тўй-ю тантанасига қараб эмас, хайрли амалларига қараб баҳо берилди.

Икки дунёда ҳам шундай. **Ирода НОРОБЕКОВА,**
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

14 270 нусхада чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-58-85 (факс)

233-70-10

233-12-83

233-38-23, 233-48-08

233-65-59

233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Сайёра РИХСИЕВА

Нозиратчи мусоҳиҳ

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУХЎЖАЕВ